

Муносабат: Оқим тарафдори дейилган имом ноиб аслида бошқа касб эгаси бўлган



12:51 / 01.11.2021 2871

Жорий йилнинг 31 октябр куни расмий сайт ва ижтимоий тармоқларда «Жиҳодчилар» тарафдорлари фаолиятига чек қўйилди» сарлавҳали хабар эълон қилинди. Унда ёзилишича, Қашқадарё вилоятида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўтказилган тадбирда «Жиҳодчилар» диний экстремистик оқими тарафдорларидан иборат ноқонуний гуруҳ фаолиятига чек қўйилган.

Аниқланишича, улар «Жиҳодчилар» оқими ғоялари йўғрилган аудио-видео кўринишдаги материалларни тинглаб, томоша қилишган ҳамда ҳижрат ва жиҳод қилишга хайрихоҳлик билдиришган.

Мазкур хабарга кўра, гуруҳнинг 12 нафар аъзоси орасида маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ўрта мактаб ўқитувчиси, масжид имом-ноиб, яқка тартибдаги тadbиркор ҳамда мавсумий ишчилар борлиги айtilган эди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутасадди идоралар билан олиб борган мулоқотлари натижасида, ушбу хабарда гуруҳ аъзолари қаторида келтирилган масжид имом ноиб аслида бошқа касб эгаси экани маълум бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги мураккаб даврда хушёрлик ва огоҳлик ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифа эканини теран англаган имом-хатиблар, имом ноиблари ва диний соҳа ходимлари бузғунчи ғояларга қарши кураш ишларида фаол иштирок этмоқдалар.

Ўз навбатида, ёлғон ёки тасдиқланмаган ахборотни тарқатиш тегишли жавобгарликка сабаб бўлиши, шунингдек, Ислom дини таълимотларида қаттиқ қораланганини алоҳида таъкидлаймиз.

Халқимиз, айниқса ёшларни Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали дин ниқобидаги шахсларни жиҳод, ҳижрат тушунчаларини ўзларининг ботил даъволарига мослаб талқин этаётган даъватлардан огоҳ бўлишга чақирамиз.